

ISSN 2181-7612

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО -
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
«Современные научные
исследования в медицине:
актуальные вопросы,
достижения и инновации»



2022

TOSHKENT

ACHILLEA MILLEFOLIUM L., POLYGONUM AVICULARE L., GLYCYRRHIZA GLABRA L.,
POLYGONUM HYDROPIPER L., MATRICARIA CHAMOMILLA L.

ЎСИМЛИКЛАРИ АСОСИДА ОЛИНГАН ЯНГИ ЙИҒМАНИНГ АНЕМИЯГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Аллаева М.Ж.¹, Ражапов А.Ж.², Жумабоев Ж.Р.³, Ачилов Д.Д.⁴

Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент фармацевтика институти

Фитоферон дори воситасининг 5 ва 10 мг/кг дозаларда гемолитик анемия кечимига таъсири лаборатория каламушларида ўрганилди. Олинган натижаларга асосан, 5 мг/кг дозада Фитоферон тажрибани 15- кунда периферик қондаги гемоглобин миқдорини анемия ҳолатига нисбатан 0,9 г % га, эритроцитлар миқдорини эса мос равишда 0,3 млн. га оширганлиги, 10 мг/кг дозада эса гемоглобин ва эритроцитлар миқдори янада жадаллашиб мос равишда 1,3 г % га ва 0,45 млн га ошганлиги аниқланди. Тажрибани 30-кунда эса унинг гемопоззга рағбатлантирувчи самараси янада ошди, бунда гемоглобин миқдори анемия ҳолати кўрсаткичларига кўра мос равишда 2,3 г % ва 3,4 г % га ошганлиги қайд этилди. Периферик қондаги эритроцитлар миқдори ҳам тажрибани 15- ва 30-кунларида анемия ҳолати кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 0,85 млн ва 1 млн гача ошганлиги кузатилди. Фитоферон таъсирида эритроцитлар ва лейкоцитлар морфологиясидаги салбий ўзгаришлар сезиларли даражада камайди.

Таянч иборалар: фитоферон, гемолитик анемия, дори воситаси, коамид, каламуш, периферик қон, фенилгидразин, гемоглобин, эритроцит, лейкоцит.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра, бугунги кунда анемия касаллиги ичида темир моддаси камайиб кетиши ва етишмаслиги натижасида юзага келувчи темир танқис анемия (ТТА) га чалинган кишилар дунё аҳолисининг 1,8 миллиардини ва анемия касаллигининг 90% ни ташкил этмоқда [1,2,3]. Хусусан, Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам анемиянинг бу тури кўп учрайди [6,7]. ТТА айниқса ҳомиладор аёллар ва еш болалар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, тиббий-ижтимоий аҳамияти келажак авлоднинг сиҳат-саломатлигига ва республиканинг иқтисодий – ижтимоий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади [2,6,7]. Шунинг учун маҳаллий ҳам ашёлардан фойдаланилган ҳолда анемияни даволаш учун қўлланиладиган препаратларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Темир етишмовчилиги анемиясини даволашда тиббиётда синтетик ҳамда ўсимликлар асосида олинган дори воситалари кенг ишлатилмоқда. Аммо уларнинг аксарияти синтетик дори воситалари ҳисобланади [6,7]. Синтетик дори воситалари кимёвий синтез йўли билан ажратиб олинганликлари сабабли табиий дори воситаларига нисбатан организмга ноҳўш таъсирларни кўпроқ келтириб чиқаради. Шунинг учун доривор ўсимли-

клардан олинган препаратларнинг темир танқислиги анемияси фармакотерапиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ушбу касалликни олдини олиш ва комплекс даволаш мақсадида тиббиётда кенг ишлатилади.

Ишнинг мақсади: Фитоферон дори воситасининг гемолитик анемияга таъсирини лаборатория каламушларида ўрганиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш.

Тажриба усули: Фитоферон дори воситаси тубулғибаргли бўймадарон (*Achillea millefolium* L.), қуштарон (*Polygonum aviculare* L.), ширин мия (*Glycyrrhiza glabra* L.), сув қалампири (*Polygonum hydropiper* L.) ва доривор мойчечак (*Matricaria chamomilla* L.) ўсимликлари куруқ экстрактларидан иборат. Фитоферон дори воситасининг фенилгидразин билан юзага чиқарилган гемолитик анемияга таъсири 165,0-200,5 г/ли 24 та каламушларда вивария шароитида ўрганилди. Фенилгидразин хлоргидрат билан юзага чиқарилган анемия модели каламушларнинг териси остига фенилгидразин хлоргидратни 1% ли эритмасидан 25 мг/кг дозаларда 5 кун давомида ҳар куни бир маротабадан юбориш орқали юзага чиқарилди [6,8]. Фенилгидразинли анемия модели юзага чиқарилгач, тажрибадаги каламушлар 4 та гуруҳга 6 тадан ажратилди: 1-чи гуруҳ каламушларига Фитоферон дори воситаси 5 мг/кг, 2-чи гуруҳга 10 мг/кг дозаларда оғиз орқали 30 кун давомида берилди. Алоҳида гуруҳ каламушларига мос равишда дистилланган сув ва солиштириш мақсадида тиббиётда гемолитик анемияни даволашда кенг қўлланилган коамид дори воситаси оғиз орқали юборилди. Қон таҳлиллари фенилгидразин хлоргидрат юборилгунча, фенилгидразинли анемия юзага чиқарилгач ва дори воситалари билан даволашни 15 ва 30-чи кунларида ўтказилди. Бунда асосий эътибор каламушларнинг умумий аҳолига, периферик қондаги гемоглобин миқдorigа ва лейкоцитлар миқдorigа қаратилди. Қондаги гемоглобин миқдorigа махсус гемометрда, эритроцитлар ва лейкоцитлар сони микроскопда саналди [6,8].

Тажриба натижалари: Интакт каламушларга 5 кун давомида фенилгидраин оғиз орқали юборилгандан сунг периферик қон шакли элементлари текширилганда каламушларда гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг кескин камайиб кетганлиги аниқланди. Хусусан, тажрибадаги каламушларнинг периферик қонидаги гемоглобин миқдorigа 3,8 г % гача, эритроцитлар миқдorigа эса 4,4 млн. гача камайди (1-жадвал). Қонда нейтрофил лейкоци-

тоз пойкилоцитоз, гипохромия ва анизоцитоз ривожланганлиги қайд этилди (2-жадвал).

Тажрибадаги каламушларнинг умумий аҳволи фенилгидразин гидрохлорид юборилгандан кейин анча ёмонлашди, уларнинг ташқи кўриниши назорат-интакт гуруҳидаги каламушлардан бутунлай бошқача бўлди. Уларнинг туклари тикрайган, бурун ва кўз атрофида яллиғланиш аломатлари қайд этилди.

Тажрибани 6-чи куни ўтказилган периферик қон таҳлиллари каламушларда гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг кескин камайиб кетганлигини кўрсатди. Хусусан, тажрибадаги каламушларнинг периферик қонидаги гемоглобин миқдори 3,8 г % гача, эритроцитлар миқдори эса 4,4 млн. гача камайди. Қонда нейтрофил лейкоцитоз пайкилоцитоз, гипохромия ва анизоцитоз ривожланганлиги ва 43 % да ўлим ҳолати қайд этилди (1-жадвал). Шундан сўнг Фитоферон дори воситаси 5 мг/кг дозада оғиз орқали тажриба каламушларига 30 кун давомида бериб борилди. Даволашнинг 15-кунида олинган қон таҳлиллари асосан, каламушлар периферик қонидаги гемоглобин миқдори анемия ҳолати кўрсаткичига нисбатан 0,9 г % га, эритроцитлар миқдори эса 0,3 млн. га ошди. 10 мг/кг дозада дори воситаси таъсирида каламушлар периферик қонидаги гемоглобин ва эритроцитлар миқдори янада жадаллашди ва мос равишда 1,3 г % га ва 0,45 млн га ошганлиги аниқланди (1-жадвал). Эритроцитлар ва лейкоцитлар морфологиясидаги салбий ўзгаришлар сезиларли даражада камайди (2-жадвал).

Даволашни 30-кунида гемоглобин ва эритроцитлар миқдори 5 ва 10 мг/кг дозада мос равишда янада ошди, хусусан қондаги гемоглобин миқдори 2,3 г % ва 3,4 г % га, эритроцитлар миқдори 0,85 млн ва 1 млн гача кўтарилди, эритроцитлар морфологияси нормал ҳолатга қайтди, лейкоцитлар эса физиологик норма атрофида бўлди. (1-жадвал).

Қиёсий препарат сифатида антианемик препарат Коамид танлаб олинди. Коамид дори воситаси таъсирида (3 мг/кг) тажрибани 15-кунида периферик қондаги гемоглобин миқдори анемия ҳолати кўрсаткичига нисбатан 3,5 % га ошганлиги кузатилади. Эритроцитлар миқдори эса интакт кўрсаткичларга яқинлашди (1-жадвал). Назорат гуруҳи каламушларининг қон таҳлиллари текширилганда, бу гуруҳдаги кўрсаткичлар тажрибани 30 –кунида ҳам анемия кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмаганлиги аниқланди.

Фитоферон ва Коамид дори воситалари таъсирида қизил қон ва оқ қон таначаларидаги морфологик ўзгаришлар ҳам нормага қайтди, яъни лейкоцитоз, пойкилоцитоз, гипохромия ва анизоцитоз ва ўлим ҳолати қайд этилмади (2-жадвал).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Фитоферон дори воситаси ўрганилган дозаларда

гемолитик анемияни даволашда кенг қўлланиладиган коамид дори воситаси каби самарали антианемик таъсирга эга. Адабиётлардан маълумки, Коамид дори воситасининг гемолитик анемияда самарадорлиги унинг таркибидаги кобальт микроэлементи билан боғлиқ. Кобальт микроэлементи гем билан темир моддасининг боғланишини кучайтириб беради. Фитоферон таркибидаги доривор ўсимликлар таркибида ҳам етарли даражада кобальт микроэлементи (2,4- 3,1 %) ва бундан ташқари темирнинг ўзлаштирилишида фаол иштирок этувчи мис ва рух элементлари ҳам мавжуд. Фикримизча, Фитоферон дори воситасининг гемолитик анемияда антианемик самарадорлигини айнан шу билан боғлаш мумкин.

Хулосалар.

1. Фитоферон дори воситаси 5 ва 10 мг/кг дозаларда гемолитик анемия кечимида гемоглобин ва эритроцитлар миқдорини ошишига рағбатлантувчи таъсир кўрсатади.

2. Фитоферон дори воситасининг гемолитик анемияда антианемик самарадорлиги 10 мг/кг дозада кучлироқ қайд этилади.

3. Фитоферон гемолитик анемия кечимида антианемик самарадорлиги бўйича коамид препаратидан қолишмаслиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Яглов В.В, Прилепская В.Н. - Железодефицитные у больных с маточными кровотечениями. // Фармотека - 2006. - № 2. - с.39-44.
2. Дворецкий Л.И., Заспа Е.А. - Алгоритма диагностики и лечения железодефицитной анемий, Фарматека, 2006., № 6, с. 117-120
3. Дворецкий Л.И. - Дефицит железа и ЖДА-у детей.-М. Славянский диалог, 2001.-с. 143
4. Годулян О.В., Городецкий В.В., Скотников А.С. Железодефицитная анемия и выбор препарата для ее коррекции // Русский медицинский журнал. 2010. Т. 18. № 5. с. 260-264.
5. Баранов И.И., Дегтярева Е.И., Самошкина Е.С., Абрамова С.В. Железодефицитные состояния при беременности. Акушерство и гинекология, 2015, № 4.-с.68-73.
6. Аллаева М.Ж. "Қон тизимида таъсир этувчи когистин, фераск, стифлос ва мумиё препаратларининг фармакологияси"-дисс. на соис. докт. биол.наук, Ташкент, 2012-с. 6-10.
7. Бугланов А.А., Калмеков Г. Т., Назаров Б.Н, Махмудова Д.С. ва б. Г. М. Эликсир-Ватанизмизда ишлаб чиқарилган янги антианемик препарат // Узб. ССВ Г., КК ИТИ. Брошюра - Ташкент, 2005.-23 б.
8. Доклинические исследования лекарственных средств. Методические рекомендации. Под общей редакцией член-корр. АМН Украины А.В.Стефанова. Киев. 2002-с.357.

Фитоферон дори воситасининг анемиянинг гемолитик туридо қон шакли элементларига таъсири, $M \pm m$, $n=6$

Кўрсаткичлар	Интакт	ФГА	Периферик қон шакли элементларининг даволашдан кейинги							
			15- кунда				30- кунда			
			ФГА+ Назорат	ФГА+ 5 мг/кг «Фито-ферон»	ФГА+ 10 мг/кг «Фито-ферон»	ФГА+ 3 мг/кг Коамид	ФГА+ Назорат	ФГА+ 5 мг/кг «Фитоферон»	ФГА+ 10 мг/кг «Фито-ферон»	ФГА+ 3 мг/кг Коамид
Гемоглобин, г%	12,1±0.40	3,8±0.29	4,3±0.41	4,7±0.42	5,1±0.64*	7,3±0.81*	5,4±0,7* 3/7 ўлди	7,0±0.56*	8,56±0.50*	8,8±0.77*
Эритроцитлар, млн.	6,5±0.41	4,4±0.31	4,7±0.75	5,2±0.57	5,5±0.36	5,3±0.42	4,9±0,4 3/7 ўлди	5,6±0.78	5,9±0.34*	6,3±0.54*
Лейкоцитлар, минг	11.5±1.24	22.3±1.87	13.5±1.21*	13.0±1.04*	13.5±0.64*	14.2±0.74*	12.5±0,74 3/7 ўлди	12.3±0.6*	12.3±0.68*	12.3±0.5*

* - $P < 0,05$ аниқлик даражасида; ФГА (фенилгидразинли анемия) кўрсаткичига нисбатан